

ISSN 2181-7324



---

**O'ZBEKISTON  
MILLIY  
UNIVERSITETI**

**XABARLARI**


---

**IJTIMOIIY-GUMANITAR FANLAR  
YO'NALISHI**

**ВЕСТНИК НУУЗ**

---

**АСТА НУУЗ**



# ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

## ВЕСТНИК НУУз

### АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ  
1997  
ЙИЛДАН  
ЧИҚА  
БОШЛАГАН**

**2022  
1/6/1**

**Ижтимоий-  
гуманитар  
фанлар  
туркуми**

Бош муҳаррир:

**И.У.МАДЖИДОВ** – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

**Р.Х.ШИРИНОВА** – ф.ф.д., профессор

Таҳрир хайъати:

**Сагдуллаев А.С.** – т.ф.д., проф.

**Аширов А.А.** – т.ф.д., проф.

**Баллиева Р.** – т.ф.д., проф.

**Маликов А.М.** – т.ф.д., проф.

**Юсупова Д.Ю.** – т.ф.д., проф.

**Муртазаева Р.Х.** – т.ф.д., проф.

**Мўминов А.Г.** – с.ф.д., проф.

**Нишоновна О.Ж.** – ф.ф.д., проф.

**Абдуллаева Н.Б.** – ф.ф.д., проф.

**Мадаева Ш.О.** – ф.ф.д., проф.

**Туйчиев Б.Т.** – ф.ф.д., проф.

**Утамурадов А.** – ф.ф.н., проф.

**Ахмедов Х.А.** – с.ф.д.

**Мирзаахмедов К.М.** – с.ф.ф.д., PhD.

**Мухаммедова Д.Г.** – псих.ф.д.

**Болтабоев Х.** – фил.ф.д., проф.

**Рахмонов Н.А.** – фил.ф.д., проф.

**Жабборов Н.А.** – фил.ф.д., проф.

**Сиддикова И.А.** – фил.ф.д., проф.

**Садуллаева Н.А.** – фил.ф.д., доц.

**Арустамян Я.Ю.** – фил.ф.д., доц.

**Пардаев З.А.** – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

**ТОШКЕНТ – 2022**

## МУНДАРИЖА

### Тарих

<b>Мухаммадиева Л.</b> Туркистон АССР даврий матбуотининг умумий хусусиятлари (Совет нашрлари мисолида) .....	4
<b>Qosimov M.</b> O‘zbekistonlik partizanlarning sobiq ittifoq hududini ozod etishdagi ishtiroki .....	6
<b>Suyarov M.</b> Xorazmshoh Takashning hukmronlik faoliyatiga nazar .....	10
<b>Хасанов Р.</b> Лирик кўшиқчилик тарихи .....	13
<b>Шанимқулов А.</b> Совет ҳокимияти ахборот сиёсати тарихидан .....	16
<b>Шотемирова А.</b> Ўзбекистон тараккиётининг янги босқичида жамиятда аёллар нуфузини ошириш борасида амалга оширилган ишлар .....	20
<b>Фалсафа. Педагогика. Психология. Методика. Социология. Сиёсий фанлар</b>	
<b>Абдуллаев Т.</b> Антик давр фалсафасида тафаккурнинг билиш жараёнидаги ўрни .....	22
<b>Abdiyeva S.</b> Chet tilini o‘qitishda yangi texnologiyalardan foydalanishning ahamiyati va samaradorligi .....	25
<b>Abduraimov J., Mo‘llajonov M., Abduhalilova H.</b> Ta’limda elektron resurslar tahlili .....	27
<b>Abdurahmonova M.</b> Chet tillarni o‘rganish va o‘rgatish jarayonida zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanish .....	29
<b>Абдусаломова Ф.</b> Особенности применения интерактивных методов при изучении русского языка .....	31
<b>Акилова Ў.</b> Маънавий ислохотларнинг оилавий таълим ва зўравонликнинг олдини олишдаги ўрни .....	34
<b>Alimova N.</b> Issues of individualization of learning in the teaching of english at non-philological institutions of higher education.....	37
<b>Аминова Н.</b> Социально-философские мысли Фрэнсиса Бэкона на примере “Новой Атлантиды” .....	40
<b>Ахмедова Б.</b> Рақамли иқтисодиёт шароитида таълим хизмати сифатини оширишнинг моҳияти ва вазифалари .....	44
<b>Ахророва С.</b> Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини таъминлаш сиёсатининг аҳамияти .....	47
<b>Ашурова С.</b> 10-11 синф ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигини ривожлантиришда волейбол спорт турининг аҳамияти .....	50
<b>Ashurova Sh.</b> Bolalarda sog‘lom turmush tarzini shakllantirishda oilaviy munosabatlarning o‘rni.....	53
<b>Бердиев Б.</b> Ўзбекистоннинг халқаро имиджини юксалтириш – давлатнинг стратегик вазифаси сифатида.....	56
<b>Бозоров Э., Зоирова Л.</b> Изучение сравнительного анализа доз радиации на онкологические опухоли органов организма человека методом “обратная связь” .....	60
<b>Воуханов I.</b> Ta’lim jarayonida multimedia texnologiyalaridan foydalanish .....	63
<b>Валиев Ш.</b> Сунъий интеллектнинг фалсафий муаммолари .....	66
<b>Довранова О.</b> Постмодерн жамият ва оилавий муносабатлар: тушунча ва моҳият .....	69
<b>Ёдгорова З.</b> Медиа оламида модаллик категориясига назарий қарашлар .....	72
<b>Жақсымуратова Э.</b> Республиканинг мактабгача таълим муассасаларида халқ анъаналаридан фойдаланиш .....	75
<b>Жуманиёзова Н.</b> Аутизм болага психотерапевтик ёрдам бериш усуллари .....	78
<b>Ибрагимов И.</b> Туркистон жадидларининг ижтимоий-фалсафий генезиси .....	82
<b>Икромов Б.</b> Бошланғич тайёргарлик босқичида Байдаркада эшкак эшувчиларни курукликда асосий техник элементларни ўзлаштириш орқали машғулот олди хавотирланиш кўрсаткичини пасайтириш .....	85
<b>Islomov K.</b> Abu Rayhon Beruniyning falsafiy qarashlari .....	88
<b>Kaljanova F.</b> Ingliz tilini maxsus maqsadlarda o‘qitishning o‘ziga xos xususiyatlari .....	92
<b>Каримов Г.</b> Ўрта ёшдаги 45-60 ёшли эркеклар учун жисмоний тайёргарликни ҳисобга олган ҳолда соғломлаштирувчи машқлар жамланмасини ишлаб чиқиш .....	96
<b>Karimova M.</b> O‘smir yoshidagi qizlarda oilaviy hayot haqidagi tasavvurlarini oila mustahkamligiga ta’siri muammosining nazariy tahlili .....	99
<b>Кимсанбаева Ш.</b> Ўзбекистонда диний бағрикенглик .....	101
<b>Kosimov F.</b> The role of student independent work in the learning process.....	104
<b>Кушаков Ф.</b> Илм – ижтимоий ҳодиса сифатида .....	107
<b>Маматов М.</b> Маънавий тараккиёт – ватан тараккиётининг асосидир .....	110
<b>Мамаюсупов У.</b> Глобаллашув шароитида виртуал таълим Ўзбекистон таълим тизимини инновацион ривожлантиришнинг муқобил усули сифатида .....	114
<b>Matkarimova M.</b> Yoshlarni kasbga yo‘naltirishda ijtimoiy omillarning psixologik adabiyotlarda o‘rganilishi .....	117
<b>Mustafоеva N.</b> The specifics of teaching writing in a foreign language to law students. Analysis of existing methods.....	120
<b>Мухаметов А.</b> Жисмоний тарбия ва оммавий спорт соғломлаштириш машғулотларида юкламаларни меъёрлаштиришнинг илмий-методик асослари .....	123
<b>Мухаммадиева О., Himmatova N.</b> Xotin-qizlarni ijtimoiy-siyosiy va iqtisodiy faolligini oshirishda xorijiy tajribalarni o‘rganish.....	127
<b>Ne‘matullayeva S.</b> Maktabgacha ta’lim tashkilotlarida o‘yin terapiyasini qo‘llashda innovatsion usullar .....	131
<b>Низомова У.</b> Чет тилини самарали ўқитишда анъанавий ва компетентли ёндашувларнинг ўрни .....	134
<b>Орехин-Рыжина В., Ахмедова Г.</b> Значение новых педагогических технологий на занятиях по иностранному языку .....	137
<b>Otajonova S.</b> Talabalarda valeologik kompetentlikni rivojlantirishning pedagogik imkoniyatlari .....	140
<b>Равшанова Г.</b> Оилада хотин-қизларга нисбатан таълим ва зўравонликнинг олдини олишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг вазифалари .....	143
<b>Рафиқов Қ.</b> Президент Шавкат Мирзиёев халқаро майдонда эътироф этилган янги форматдаги сиёсий лидер.....	147
<b>Rahmatov D.</b> O‘zbekistonda suzish sportining rivojlanishi.....	150
<b>Рузиева З.</b> Русские двувидовые глаголы и пути передачи их семантики на узбекский язык .....	153
<b>Саидова М.</b> Бошланғич синф дарсликларининг халқаро қиёсий таҳлили ва масофавий ўқитишдаги ўрни .....	157
<b>Сантмуродов Ж.</b> Гегель дунёқараши шаклланишининг тарихий, ижтимоий-сиёсий омиллари.....	162
<b>Сайдалиева Г.</b> Роль мотивации в изучении иностранного (русского) языка.....	165

<b>Санақулов Ф.</b> Бўлажак муҳандисларни касбий фаолиятга тайёрлашга қаратилган дастурий воситаларнинг таълим жараёнига тадбири ва методикаси .....	168
<b>Содиқова Ш.</b> Оптик нур тоалардаги дисперсия ходисалари мавзусини ўқитишда медиатаълим технологиялардан фойдаланиш методикаси .....	172
<b>Таджихмедов Ш., Мирзабоев Х.</b> Курашчиларни техник усулларга ўргатишда моделлаштиришнинг самарадорлигини такомиллаштириш .....	175
<b>Тошбоева М., Ташпулатов Ф.</b> Дзюдо спорт туридаги усулларни амалга ошириш натижасида сарфланадиган килокалория миқдори .....	178
<b>Тулишов Ғ.</b> Замоनावий таълим менежменти ва педагог фаолиятини такомиллаштириш .....	181
<b>O'ktamova N.</b> The main principles of teaching sociolinguistic competence for adult learners .....	184
<b>Ўлмасхўжаев З.</b> Глобаллашув жараёнларининг ёшлар дунёқарашига таъсири .....	186
<b>Умаров А.</b> Современные проблемы агонального дискурса и возможности его использования в аудиовизуальном методе преподавания русского языка .....	189
<b>Умурзаков И.</b> Маданият ва санъатнинг жамиятдаги ўрни .....	192
<b>Уразбаева Д.</b> Онкология соҳасида ишлайдиган тиббий ходимларни ижтимоий-психологик тадқиқ қилишнинг ўзига хослиги .....	195
<b>Fayzullayev B., Tursunmetov K., Xolboyev Y.</b> Elementar zarrachalarning standart modeli va o'zaro ta'sirlashuvlarni o'rganish metodikasi .....	200
<b>Xalikova D.</b> Teaching reading skills and creative activities in esl classes .....	204
<b>Хамдам-зода Л.</b> Метод проектов как перспективная форма интерактивной технологии .....	207
<b>Хасанова Х.</b> Kimyo darslarida steam tajribalaridan foydalanish .....	210
<b>Хўжаев М.</b> Мирзо Улугбекнинг давлат бошқарувида сўфийлик таълимотига муносабати .....	214
<b>Хўшбоқов Д.</b> Ижтимоий-маданий муносабатларда замоनावий алоқа воситаларининг роли .....	217
<b>Ҳакимов О., Эргашов Ш.</b> Ёшлар тарбиясида ижтимоий турмуш шароитларини яхшилаш омиллари .....	220
<b>Шамсиддинова Э.</b> Цивилизация жараёни ва ижтимоий онг .....	223
<b>Шерматов Ғ.</b> Дзюдо мусобақаларида энг кўп қўлланиладиган усуллар ва уларнинг аҳамияти .....	226
<b>Шодиева З.</b> Ёшлар ижтимоий-демографик гуруҳ сифатида тавсифланиши .....	229
<b>Шуқуров Б.</b> Техника олий таълим муассасалари талабаларига физикани ўқитишда дастурий воситалардан фойдаланиш услублари .....	232
<b>Шуқурова Н.</b> Оммавий маданиятнинг ёшлар маънавиятига таҳдидларини олдини олиш масалалари .....	236
<b>Эшманов О.</b> Техника олий ўқув юртлирида қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассисларини касбий тайёрлашнинг илмий-назарий асослари .....	239
<b>Янгибоева Д.</b> Аккультурация – ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида .....	242
<b>Филология</b>	
<b>Alimhammedova Kh.</b> Lexical behaviour in academic and technical corpora: implications for esp development .....	245
<b>Аллаярова З.</b> Илмий тафаккур ва терминология масаласи хусусида .....	249
<b>Бабаходжаева Н.</b> Бойсун ифтихори (Усмон Азим шеърятига бир назар) .....	253
<b>Boltaboyev N., Kazakbayeva D.</b> Mohlaroyim Nodira and Khurshidabonu Notavon: secrets of creative similarity and specificity .....	256
<b>Djumaboyeva J., Jurayeva M.</b> A comparative study of the conceptual metaphors of «time/время/vaqt» in english, russian and uzbek languages .....	259
<b>Жабборова Ҳ.</b> Радио тилида нутқ маданиятининг меъёрий аспекти .....	262
<b>Жалолова Ф.</b> Олам лисоний тасвирида “Ўгай она/stepmother” лексик бирлигининг лингвомаданий хусусиятлари .....	265
<b>Избасарова Ш.</b> Бадий матнни тадқиқ этиш муаммолари .....	269
<b>Комилова Ш.</b> XX аср Хитой адабиётида “Янги драматургия” нинг ривожланиши .....	272
<b>Qulbulov Sh.</b> Kompyuter leksikografiyasi: elektron lug'at tushunchasi, ularning turlari, afzalliklari va rivojlantirish istiqbollari .....	275
<b>Lokteva N.</b> «Семейная хроника» и литературный процесс XIX-XX веков .....	278
<b>Муратова М.</b> To tell феълнинг аспектиал-семантик таҳлили .....	281
<b>Murodova D.</b> Pak Vanso romanlarida “men” shaxsining shakllanish masalalari .....	284
<b>Муҳиддинова Д.</b> Араб ёзувчиси Жамал ал-Ғитоний ва ўзбек ёзувчиси Мирқарим Осим ҳикояларида тарихий мавзуларнинг қиссий таҳлили .....	288
<b>Назарова Ш.</b> Янги ўзбек шеърятига аруз вазни муаммосига доир айрим қайдлар .....	291
<b>Normuminov U.</b> Ingliz va o'zbek tillarida atov birliklari va frazeologizmlarida xalq maqollarining lingvomadaniy xususiyatlari .....	295
<b>Раҳматов М.</b> Алишер Навоий лирикасида шеърый жумла муаммоси .....	298
<b>Ro'zimatova D.</b> Tilshunoslikda ijtimoiy maqom tushunchasi .....	302
<b>Саидова Н.</b> Эволюция образа женщины в саудовской обществе в конце XX века (на примере рассказов Ахмада Абду аль-Малика) .....	305
<b>Саидова Р.</b> Ўзбек адабиётшунослигида семиотик квадратдан фойдаланиш .....	308
<b>Temirbulatova I.</b> Koreys tilida 그래 hamda 참 diskurs markerining o'ziga xos xususiyatlari .....	311
<b>Турдибеков М.</b> Ўратепа, Бунжикат, Қаҳқаҳа топонимларининг этимологияси .....	314
<b>Умарова С.</b> Озарбайжонда Алишер Навоий ижодининг ўрганилиши .....	317
<b>Хатамова Д.</b> Адабиётшунослик терминологияси эстетик тафаккур предмети сифатида .....	320
<b>Choriyeva A., Lokteva N.</b> Ayolning hayotga bo'lgan qarashlari (Enn Tayler “Yerning ne'matlari” romani misolida) .....	324
<b>Elmurodova S.</b> Hozirgi zamon ingliz tili matematik terminlari tahlili .....	327





Гулхайё РАВШАНОВА,

*“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти”  
миллий тадқиқот университети докторанти*

### ОИЛАДА ХОТИН-ҚИЗЛАРГА НИСБАТАН ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Аннотация

Гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларнинг оилада ҳам жамиятда ҳам мустахкам ўринга эга бўлишлари учун етарлича шарт-шароитлар яратиш, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишлари этиб белгиланган. Мазкур давлат сиёсатини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари давлатнинг асосий таянчи ҳисобланади. Ушбу мақолада оилада хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда маҳалла институтининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари ёритиб берилган. Тазйиқ ва зўравонликка қарши курашнинг самарали воситалари; виктимологик, умумий, махсус ва яқка тартибдаги профилактик ишларда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг асосий вазифалари таҳлил қилинган. Мавзу юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** гендер тенглик, тазйиқ, зўравонлик, психологик зўравонлик, жисмоний зўравонлик, жинсий зўравонлик, иктисодий зўравонлик, суицид, химоя ордери, виктимологик профилактика, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, ижтимоий шериклик, жамоатчилик назорати.

### ОБЯЗАННОСТИ ОРГАНОВ САМОУПРАВЛЕНИЯ ГРАЖДАН ПО ПРЕДОТВРАЩЕНИЮ ДАВЛЕНИЯ И НАСИЛИЯ В ОТНОШЕНИИ ЖЕНЩИН В СЕМЬЕ

Аннотация

Обеспечение гендерного равенства, создание достаточных условий для того, чтобы женщины занимали прочное место в семье и обществе, предотвращение угнетения и насилия в отношении женщин определены в качестве приоритетов государственной политики. Институты гражданского общества являются опорой государства в реализации этой государственной политики. В данной статье освещаются основные задачи и деятельность махаллинского института в предупреждении и борьбе с угнетением и насилием в отношении женщин в семье. Эффективные средства борьбы с угнетением и насилием; Проанализированы основные задачи сотрудников органов самоуправления граждан в виктимологической, общей, специальной и индивидуально-профилактической работе. Разработаны соответствующие предложения и рекомендации по теме.

**Ключевые слова:** гендерное равенство, угнетение, насилие, психологическое насилие, физическое насилие, сексуальное насилие, экономическое насилие, самоубийство, охранный ордер, виктимологическая профилактика, органы самоуправления граждан, социальное партнерство, общественный контроль.

### RESPONSIBILITIES OF CITIZENS 'SELF-GOVERNMENT ORGANIZATIONS IN PREVENTING PRESSURE AND VIOLENCE AGAINST WOMEN IN THE FAMILY

Annotation

Ensuring gender equality, creating sufficient conditions for women to have a strong place in the family and society, prevention of oppression and violence against women are identified as priorities of state policy. Civil society institutions are the mainstay of the state in the implementation of this state policy. This article highlights the main tasks and activities of the mahalla institute in the prevention and combating of oppression and violence against women in the family. Effective means of combating oppression and violence; The main tasks of the staff of citizens' self-government organizations were analyzed in victimological, general, special and individual preventive work. Relevant suggestions and recommendations on the topic have been developed.

**Keywords:** gender equality, oppression, violence, psychological violence, physical violence, sexual violence, economic violence, suicide, protection order, victimological prevention, citizens' self-government organizations, social partnership, public control.

Дунё микёсида кечаётган глобаллашув жараёнлари нафақат иктисодий, балки ижтимоий муносабатларга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Маълумотларга кўра, “дунё аҳолиси 7,6 миллиарддан ортиқ, уларнинг 49,7% хотин-қизлардан иборат бўлиб, 35% хотин-қизлар ҳаёти мобайнида камситилишга учрамоқда. Яъни, ҳар уч аёлдан бири зўравонликка учраганини кўриш мумкин” [4]. Хотин-қизларнинг жамиятга интеграциялашуви, ижтимоий-сиёсий маданиятининг ўсиши тазйиқ ва зўравонликка қарши курашда самарали механизмлар жорий этилишига бевосита боғлиқ. Уларни ижтимоий химоялаш долзарблигининг яна бир муҳим жиҳати, ҳар томонлама соғлом ва маънавиятли аёллар – оналаргина миллат тақдирида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган буюк келажак бунёдкорлари – баркамол авлодни вояга етказишга қодир бўлади.

Статистик маълумотларга кўра шахс ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятларнинг 40 фоизи, ҳар тўртта котиликнинг биттаси, қасдан баданга шикаст етказишларнинг ҳар бештадан биттаси, ҳақорат қилиш ва тухматнинг саккизтадан биттаси айнан оила-турмуш соҳасида содир этилмоқда [5]. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг: “Оилаларда носоғлом муносабатлар, қайнона-келин, эр-хотин ўртасидаги жанжаллар, хотин-қизларимиз орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари борлиги шахсан мени қаттиқ изтиробга солмоқда” [2] деган фикрлари мавзунинг қанчалик долзарб эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Бугунги кунда хотин-қизларни зўравонликдан химоя қилиш борасида жамиятда хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка доир муросасизлик муҳитини яратиш учун салмоқли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда хотин-қизларни

зўравонликдан ҳимоя қилишга оид бир қатор халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди. Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларда шахсни зўравонликлардан, шу жумладан оилада содир этиладиган жиноий зўравонликлардан ҳимоя қилиш механизми мустаҳкамлаб қўйилган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро келишув ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича халқаро келишув оилани жамият асосидаги гуруҳ деб тан олади [6] ҳамда шахсни оиладаги зўравонликлардан ҳимоя қилади.

Миллий қонунчилигимизда ҳам хотин-қизларни зўравонликнинг ҳар қандай турларидан ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор ҳуқуқий меъёрлар мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сон, 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сон Фармонлари, 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4235-сон Қарори, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва бошқа тегишли ҳужжатлар ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Юқоридаги ҳуқуқий асосларга мувофиқ хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик даражасини камайитириш учун мунтазам равишда халқ билан мулоқотлар ўтказилмоқда, 200 та туман ва шаҳарда реабилитация шелтер-марказлари муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Зўравонлик қурбонларига Ҳимоя ордерлари бериш тизими йўлга қўйилди. Шу билан бирга мавжуд «ишонч телефонлари» зўравонлик қурбонига айланган аёллар ва қизларга оғир вазиятдан чиқишларига ёрдам бериб, руҳий, ҳуқуқий ҳамда тиббий кўмак беради. Бунда аёлнинг хоҳишига кўра унинг мурожаати сир сақланади. Айниқса, ёрдамга муҳтож бўлган, низоли вазиятларда, оилавий-маиший зўрлик ишлатилганда ва ўз жонига қасд қилишга мойил ҳолатларда тезкор, шошилинч ёрдам кўрсатади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия бошчилигида, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) кўмагида Реабилитация ва мослаштириш республика маркази қошида «Зўравонликка йўл йўқ!» телеграмм канали фаолияти йўлга қўйилган. Канал, энг аввало, хотин-қизлар, қолаверса, гендер зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масаласи билан бевосита ва билвосита дахлдор бўлган давлат, нодавлат идора ва ташкилотлар, журналист ва блогерлар ҳамда кенг омма учун мўлжалланган. Телеграмм каналида хотин-

қизларнинг ўзлари ёки яқинлари оилада ёхуд иш жойида гендер зўравонликка учраган тақдирда, керакли ҳуқуқий ёрдам, амалий маълумот, кимга ва қаерга мурожаат қилиши ҳақида зарур ахборотларга эга бўлишлари мумкин [7].

Хотин-қизларга нисбатан содир этилган зўравонликнинг катта қисмини оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлар ташкил этади. Бугунги кунда тазйиқ ва зўравонликка қарши кураш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан бир вақтда кундалиқ ҳаётимизда оилавий зўравонлик билан боғлиқ ҳолатларнинг учраб туриши жамиятнинг асосий муаммоларидан биридир. Оиладаги зўравонлик деганда, хотин-қизларга нисбатан унинг маълум бир аъзолари томонидан содир этиладиган руҳий, жисмоний, жинсий, иқтисодий зўравонлик тушунилади. Жамиятда турли хил оилалар бор. Ҳар бир оиланинг бир-бириникига ўхшамайдиган муаммолари мавжуд. Оилада хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик кўп ҳолларда уларнинг турмуш ўртоқлари томонидан, айрим ҳолларда уларнинг қайнона, қайнота ёки қайниопа-қайнисингиллари томонидан, баъзи ҳолларда ўғай ота-она ёки ўғай ака-ука, опа-сингиллари ёхуд бошқа оила аъзолари томонидан содир этилиш ҳолатлари учрайди. Бундан ташқари қариллик, қасаллик, ногиронлик туфайли ўзини ҳимоя қила олмайдиган хотин-қизларга нисбатан ҳам тазйиқ ва зўравонлик билан боғлиқ ҳолатларни кузатиш мумкин. Булар орасида энг кўп учрайдигани хотин-қизларга нисбатан уларнинг турмуш ўртоқлари томонидан содир этиладиган тазйиқ ва зўравонликдир.

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан 2021 йил биринчи ярмида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, унинг иштирокчиларининг аксарияти эр томонидан хотинга нисбатан жисмоний куч ишлатилишига йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблашади. 10,3% респондентлар айрим ҳолларда куч ишлатиш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Респондентлар ушбу қисмининг фикрига кўра, аёл ўз хатти-ҳаракати билан эрини куч ишлатишга мажбур қилган ҳолларда жисмоний зўравонлик ҳолатига йўл қўйиш мумкин. Респондентларнинг фикрича, спиртли ичимликлар ва гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш (23,5%), ўзаро тушунмовчилик (22,1%) ва моддий қийинчиликлар (20,6%) аёлга нисбатан жисмоний зўравонлик намоён бўлишининг сабаблари ҳисобланади [8].

Яна бир социологик тадқиқот натижаларига қарайдиган бўлсак, ўзига нисбатан ишончсизлик, моддий етишмовчиликнинг юқорилиги, оила аъзолари ўртасида тушунмовчиликлар, шунингдек, жамиятдаги анъаналар хотин-қизлар зўравонликка учрашига сабаб бўлаётганлиги кузатилди. Хусусан, иштирок этган 989 нафар респондентларнинг 358 таси (Анджон, Бухоро, Қорақалпоғистон Республикаси ва Самарқанд вилоятларидан) бир-бирини тушунмаслик, 335 таси моддий етишмовчилик, 256 таси ўзига нисбатан ишончсизлик, 17 таси эса анъаналар, 23 таси бошқа турли сабаблар зўравонликнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин, деб жавоб беришган.

**Хотин-қизлар зўравонликка учрашига нималар сабаб бўлиши  
хақида маълумот (%) ҳисобида)**

№	Худудлар	Сони Фоижи	Ўзига нисбатан иншончилик	Моддий етишмов- чилик	Бир-бирини тушунамаслик	Бошқа сабаблар	Жами
1	Андижон	Сони	56	101	83	3	250
		Фоижи	5.7	10.2	8.4	0.3	25.3
2	Бухоро	Сони	63	72	105	4	249
		Фоижи	6.4	7.3	10.6	0.4	25.2
3	Қорақалпоғистон Республикаси	Сони	74	69	101	0	247
		Фоижи	7.5	7.0	10.2	0.0	25.0
	Самарқанд	Сони	63	93	69	16	243
		Фоижи	6.4	9.4	7.0	1.6	24.6
	Жами	Сони	256	335	358	23	989
		Фоижи	25.9	33.9	36.2	2.3	100.0

Тазйик ва зўравонликка қарши кураш, хотин-қизлар учун уларни химоялашнинг турли хил чора-тадбирлар тизими йўлга қўйилган бўлсада, афсуски, оилаларда тазйик ва зўравонликдан жабр кўраётганлар айниқса, мазкур ҳолатларни одатий ҳол сифатида қабул қилиб ошқор қилмай чидаб юриш ҳолатларининг мавжудлиги долзарб муаммолардан биридир. Бундай ҳолатлар жамиятга ўз салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди. Сабаби, муттасил тазйик ва зўравонлик инсон руҳиятидаги турли хил оғишларга, руҳий касалликлар, бундан ташқари суиқасд ва суицид билан боғлиқ жиноятларга тўртқи бўлиши мумкин. Масаланинг яна бир жиҳати, тазйик-ва зўравонликка гувоҳ бўлиб ўсаётган фарзандлар хулқ атворида девиантлик ва турли жиноят-ларага мойиллик шу билан бирга, мазкур жараёни ўз мустақил ҳаётлари давомида ҳам қўллашга одатланиши жамият учун катта хавф туғдиришини таъкидлаш жоиз. Ўз даврининг илғор фикрловчиларидан бўлган жадид маърифатпарвари Абдурауф Фитрат ҳам ўзининг “Оила” асарида “Миллат тақдири мана шу миллат вакиллари яшаган оиланинг ҳолатига боғлиқдир... Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва тартибли бўлади” [3]деб таъкидлайди.

Жамият таракқиети бевоҳита оилалар фаровонлиги билан боғлиқ экан, оилада тазйик ва зўравонликнинг ҳар қандай кўринишига нисбатан кескин кураш, мурасаз муносабатни шакллантириш давлат ва фуқаролик жамияти институтларидан ўзаро ижтимоий ҳамкорлик асосида самарали фаолият юритишни талаб қилади.

Тазйик ва зўравонлик ҳолатларнинг олдини олиш, аниқлаш ва тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг асосий вазифаларидан биридир. “Хотин-қизларни тазйик ва зўравонликдан химоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида қуйидагилар фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг асосий вазифалари сифатида белгилаб қўйилган:

хотин-қизларни тазйик ва зўравонликдан химоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, худудий ҳамда бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиши;

хотин-қизларни тазйик ва зўравонликдан химоя қилишга доир тадбирларни амалга оширишда давлат органларига қўмаклашиши;

хотин-қизларни тазйик ва зўравонликдан химоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши;

хотин-қизларни тазйик ва зўравонликдан химоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни ҳамда мазкур соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар киритиши;

хотин-қизларни тазйик ва зўравонликдан химоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини химоя қилишга, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдаги, ёш авлодни тарбиялашдаги ролини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўради [9].

Маълумки, халқимиз ҳаётида маҳалла азал-азалдан тарбия маскани, миллий ва умуминсоний кадрятларни авлоддан авлодга етказиш ҳамда давлат сиёсатининг жойлардаги ижросини таъминловчи ўзига хос демократик институтдир. Сўнгги йилларда фуқаролик жамияти кўзгуси сифатида маҳалланинг ваколат ва вазифалари кенгайиб бормоқда. Хотин-қизларга нисбатан тазйик ва зўравонликка қарши курашишда ҳам давлатнинг энг яқин қўмакчиси маҳалалар ҳисобланади. Маҳаллаларда фаолият юритувчи маҳалла раиси, хотин-қизлар бўйича мутахассислар, профилактика инспекторлари ва маҳалла фаоллари эътибордан бирорта ҳам хонадон четга қолмаслиги лозим. Чунки, юқорида таъкидланганидек, оиладаги тазйик ва зўравонлик кўпинча яширин ҳолатда бўлиши, сиртдан қараганда ҳаммаси рисоладагидек кўриниши, тазйик ва зўравонлик жабрланувчилари ушбу ҳолатларни оила шаънига путир етказмаслик учун қатъий сир тутишлари, айрим ҳолларда эса зўравонликни одатий ҳол деб қабул қилиши мумкин. Тазйик ва зўравонликнинг хавфли кўриниши ҳам айнан шунда, чунки ўз вақтида тегишли чора кўрилмай, йиллар давомида давом этган бу ҳолат ўзининг салбий оқибатларини намоён қилмасдан қолмайди. Бундан етган зарар жамият ижтимоий ҳаётга ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Шундай экан тазйик ва зўравонликнинг олдини олиш, оилаларда соғлом маънавий муҳит ҳужумрон бўлишига қўмаклашишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ўз фаолиятларида қуйидагиларни амалга оширишлари мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, ижтимоий жихатдан хавфли аҳволда бўлган хотин-қизларни ўз вақтида аниқлаш, низо келиб чиқиш хавфи бўлган оилалар билан профилактика ишини ташкил этишда мақбул усуллари қўллашга эришишлари лозим.

Иккинчидан, ижтимоий мавқеи, физиологик ҳолати, хулқ-атвори, ҳаёт тарзи билан боғлиқ ҳолда ҳуқуқбузардан жабрланувчига айланиши хавфи мавжуд бўлган шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан виктимологик профилактик чора-тадбирларни қўллашда тегишли ташкилотлар билан самарали ижтимоий ҳамкорликни амалга оширишлари лозим.

Учинчидан, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишида жабрланувчиларнинг тутган ўрнини ҳамда жабрланишнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга доир чора-тадбирларни амалга оширишлари зарур.

Тўртинчидан, ҳар бир маҳалла мамлакатимизда тазйик ва зўравонликка қарши амалга оширилаётган чора-тадбирлар, ҳуқуқий асослар бўйича тушинтириш ва тарғибот ишларини юқори савияда ташкил қилиб, ҳар бир хонадонга кириб боришни таъминлашлари зарур.

Олтинчидан, тазйик ва зўравонликка қарши курашда хотин-қизларнинг етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишларига, Президентимиз Ш.Мирзиёев асослаб берган “Аёлга илм бериш жамиятни илмли, маърифатли, салоҳиятли қилиш”[1] деган тамойилни ҳаётга изчил тадбиқ этишга қўмаклашиши лозим.

Бешинчидан, тарбиявий профилактик чора-тадбирларни самарали амалга оширишлари учун мазкур жараёнда мавжуд доимий комиссиялар: оилавий кадрятларни мустаҳкамлаш комиссияси; хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия; ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссия,

секторлар, давлат органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институллари билан фаол ижтимоий ҳамкорлик ва таъсирчан жамоатчилик назоратини таъминлашлари мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, оилада содир этиладиган зўравонлик иш жойидаги ва таълим муассасаларида содир этилган қилмишлардан мураккаблиги билан ажралиб туради. Сабаби, оиладаги зўравонлик аксарият ҳолларда яширин давом этиши оқибатида ўзининг салбий натижаларини кўрсатиб бўлгандан сўнггина ошкор бўлади. Бундан кўриниб турибдики, тазйик ва зўравонликнинг мазкур тури жамият ҳаётига кўпроқ ижтимоий хавф ва юқори даражада зарар етказди. Бунинг олдини олишда оилага энг яқин бўлган тузилма - фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мутассадди ходимларидан масалага ўта зийраклик ва огоҳлик билан ёндашишлари талаб этилади. Айниқса, маҳаллаларда фаолият юритувчи хотин-қизлар бўйича мутахассислар зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Қонунчиликда ҳам уларнинг асосий вазифалари сифатида “ҳудудда хотин-қизларнинг оилада, маҳалла ва меҳнат жамоаларидаги ролини кучайтириш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий жихатдан қўллаб-қувватлаш борасидаги манзилли ишларни ташкил этади; хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади”[10] деб белгилаб қўйилган. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, маҳаллаларда оилалар билан олиб бориладиган тушинтириш ва тарбиявий ишлар, ҳуқуқий маданият ва маънавий тарғибот тадбирларини мунтазам равишда тизимли ташкил қилиш ҳамда мазкур жараёнга ҳар бир хонадонни фаол жалб этиш оилаларда хотин-қизларга нисбатан тазйик ва зўравонликнинг олдини олишда самарали натижаларни беради.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М Янги Ўзбекистон стратегияси. — Т., 2021. — Б.250.
2. Мирзиёев Ш.М. Ватанамиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжихат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик. // Халқ сўзи. — Т., 2017 йил. 16 июнь.
3. Фитрат.А. Оила ёки бошқариш тартиблари//Масъул муҳаррир: Д.Алимова. — Т., 2000. — Б. 8.
4. Gender-based Violence Area of Responsibility .<https://www.unfpa.org/gender-based-violence>.10.02.2021.
5. Пулатова Ш. А., Муродов А.Ш. Зўравонликдан жабрланганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва зўравонликнинг олдини олиш. — Т., 2020. — Б 6.
6. Болаларга нисбатан зўравонлик бўйича бутунжаҳон ҳисоботи. — Т., 2009. — Б. 61.
7. Зияева Х. Маиший зўравонликка учраган хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш самарадорлигини ошириш механизмлари. Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. — Т., 2021. — Б.17.
8. <https://ijtimoiyifkr.uz/tadqiqotlar/zhamiyat/fuarolarning-oila-trisidagi-fikri-arashlar-zaro-munosabatlar-jnalishlar.htm>
9. <https://www.lex.uz/docs/4494709>.
10. <https://lex.uz/docs/3588114>.